

# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 33 (893) • 2012-yil, 17-avgust, juma

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ҳайъати 2012 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 19 август якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилганини инобатга олиб, Ҳайит айёмини кенг нишонлаш мақсадида 2012 йил 20 август куни дам олиш куни сифатида белгилансин ва 19 август байрам кунига қўшилсин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли, юқори даражада ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши бўйича тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 16 август

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Н.Ш.ЖАББОРОВНИ "МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Нурулла Шукурович Жаббаров (марҳум) "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 16 август



## Янги санъат саройи

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ Фарғона шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектиларини янгилаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бугун Фарғона шаҳри улкан бунёдкорлик майдонини эслатади. Айниқса, шаҳарда қад ростлаётган минг ўринли санъат саройи вилоят ахлига

катта совға бўлади. Мазкур объект "Файз Бинокор Олтиариқ" хўжалиқлараро кўчма механизациялашган колонна томонидан бунёд этилмоқда. 260

нафар тажрибали қурувчи икки сменада меҳнат қилаётган мазкур объектда айни кунларда сарой пойдеворини қуйиш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

Суратла: (чапдан) "Файз Бинокор Олтиариқ" хўжалиқлараро кўчма механизациялашган колонна иш юритувчиси Аҳмад Аҳмаджонов, муҳандис Муҳтар Фармонов, иш юритувчи Эсонали Эргашев ва пайвандчи Тўлқин Исажонов.  
**М.ҚОДИРОВ (ЎЗА)** олган сурат

## Қишлоқларда байрам шуқуҳи

Айни кунларда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида жойларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, мулоқот ва сўхбатлар, адабий-бадний кечалар, турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Навой вилояти Нурота туманининг Қозғон қишлоғида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридан таширф буюрган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, журналистлар иштирок этди. Тадбирда мустақиллик йил-

лари юртимизда, жумладан, Навой вилоятида амалга оширилган улкан ўзгаришлар, аҳоли учун яратилган қулайликлар, истиқлол берган имкониятлар, вилоят ахли эришган ютуқ ва марралар хусусида сўз юритилди.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида Кармана туманидаги мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган учрашувда ҳам истиқлол байрамининг мазмун-моҳияти, шу кунларда жойларда амалга оширилаёт-

ган кенг қўламли ободончилик ва бунёдкорлик ишлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ўтган йили ҳам Навой вилоятининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлганимиз, — дейди шоир Бобур Бобомурод. — Ўтган бир йил ичида ана шу шаҳар ва қишлоқлар янгича қиёфа касб этиб, тубдан ўзгариб кетибди. Айниқса, жорий йил «Умид ниҳоллари» мусобақаси ўтказилган Навой шаҳри янада гўзал ва обод масканга айланибди. Буларнинг барчаси узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар, юртимизда мустақкам қарор топган бунёдкорлик муҳити, тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ёрқул УМАР,  
ЎЗА мухбири




Озод юрт — обод юрт

## Бунёдкорлик — имкониятдан, мартаба — меҳнатдан



Деҳқончиликнинг ҳадисини олган, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётган, ер билан тиллашиб, диллашиб, эл меҳрига мушарраф бўлаётган избосканлик фермерларнинг юрт тараққиёти, Ватан ободлиги йўлидаги фидойиликлари бугун ўз самарасини бермоқда. Тиниб-тинчимас фермерлар ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаб, улардан илҳомланиб, янгиликларга дадил қўл уришмоқда. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларини ривожлантириш, эл фаровонлигини таъминлаш билан биргаликда истиқлол берган улкан имконият — мамлакатимизда кенг қўлаб ёйган фермерлик ҳаракатининг янада тараққий этишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Давоми 6-бетда ➤



## Ҳаммамизнинг фахримиз

### Партия фаолининг муносабати

Ватанни дунёга спортчилик тез танитадиган восита бўлмаса керак. Шукрки, она-юртимиз бу борада ҳам дунё эътирофидаги мамлакатга айланиб бормоқда.

Давоми 8-бетда ➤

## Миллий сайлов тизимининг ислоҳоти

### Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади

Демократиянинг бош талаби бу эркин ва адолатли сайловдир. Бу, ўз навбатида, кўппартиявийлик асосида амалга оширилади. Фақат кўппартиявийлик шароитида ҳар бир фуқаро чинакам сайлов ҳуқуқига эга бўлади. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, агар сайлов умумий, тенг ва яширин сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилса, барча сайловчилар сиёсий рақобатни рағбатлантирадиган тенглик, ошкоралик шароитида ўз вакилларини сайлай олсалар, сайлов эркин ва адолатли, деб ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда сайлов тизимини ривожлантириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб мамлакатимизда сайловларни қонун ва умумэтироф этилган халқаро принциплар ҳамда стандартларга мос равишда ўтказишга имкон берадиган қонунчилик базаси шакллантирилди, шунингдек, миллий сайлов тизими демократик ислохотлар, мамлакатни модернизация қилиш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида мунтазам босқичма-босқич ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» миллий сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Концепциянинг «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» деб номланган тўртинчи



Анвар СУЛАЙМОНОВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
фракцияси аъзоси

устувор йўналишида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг имкониятларни таъминловчи механизмларнинг самарадорлигини ошириш, сайлов эркинлиги ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга оид ташаббус ва таклифлар назарда тутилган.

Давоми 3-бетда ➤

### Концепция: устувор вазифалар

## “Хабеас корпус” институтини —

### одил судлов асоси

Одил судловнинг муҳим институтларидан бўлган "Хабеас корпус" институтини узоқ тарихга эга. Адолатли, инсонпарвар одил судлов қадимги машҳур мутафаккирлар, давлат арбобларининг қарашлари ва ғояларида, диний таълимотларда, турли халқлар амалиётида долзарб мавзулардан бири бўлган, вақт ўтиши билан эса, демократик жамиятга асосланган ҳуқуқий давлатнинг муҳим институтига айланди. Ҳарб мамлакатларида жиноий таъқибга учраган, қамоққа олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг одил суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини "Хабеас корпус" деб номлаш одат тусига кирган.

Ушбу институт дастлаб инсон ҳуқуқлари норматив кўриниш ола бошлаган давр, аниқроғи 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган "Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан таш-

қари ҳудудларда асоссиз қамоққа олишларнинг олдини олиш тўғрисида"ги ҳужжат ёки "Habeas corpus amendment Act"да намоён бўлган.

Давоми 4-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил  
Келажакка комил  
ишонч билан  
4

# Партия ҳаёти

## Ўз-ўзини танқид

Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий партияларнинг жамияттаги мавқеини янада юксалтиришда партия фаолларининг ташаббускорлиги, фуқароларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти ва партиявий тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга.

# Раҳбарга хос хислат — масъулият

аммо бу партиянинг Жалақудуқ ва Улуғнор туманлари кенгашлари етакчиларида етишмаяпти

Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг барча ҳудудий Кенгашлари томонидан ушбу долзарб вазифага муҳим эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Андижон вилояти партия Кенгаши томонидан ҳам, аввало, кадрларнинг сиёсий билим даражаси ҳамда ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш бош мақсад қилиб белгиланган. Чунки партия дастурий ғояларини тарғиб этиш ва олди-га қўйган мақсад, вазифаларини фуқароларга етказишда, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда партия фаолларининг ўзи намуна бўлмоғи зарур.

Шу боис вилоят партия Кенгаши томонидан туман ва шаҳар ташкилотларига сиёсий жиҳатдан етук, халқ орасида обрў-эътибор қозона олган, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсата оладиган раҳбар кадрларни тайинлаш ва айни пайтда фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти. Андижон шаҳар, Асака, Балқичи ва Марҳамат туман кенгашлари фаолиятида бунинг ифодасини сезиш мумкин. Мазкур шаҳар ва туман кенгашларида етакчилик қилаётган партия фаоллари Х.Тиллабоев, М.Абдуллаева, Н.Шералиев ҳамда Ш.Мусаевларнинг нафақат партиявий вази-фалари билан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада оширишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти.

Шу боис вилоят партия Кенгаши томонидан туман ва шаҳар ташкилотларига сиёсий жиҳатдан етук, халқ орасида обрў-эътибор қозона олган, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсата оладиган раҳбар кадрларни тайинлаш ва айни пайтда фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти. Андижон шаҳар, Асака, Балқичи ва Марҳамат туман кенгашлари фаолиятида бунинг ифодасини сезиш мумкин. Мазкур шаҳар ва туман кенгашларида етакчилик қилаётган партия фаоллари Х.Тиллабоев, М.Абдуллаева, Н.Шералиев ҳамда Ш.Мусаевларнинг нафақат партиявий вази-фалари билан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада оширишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти.

Аммо шунга қарамай вилоятдаги барча туман кенгашлари фаолиятини қониқарли, деб айтиш қийин. 2012 йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу давр мобайнида Жалақудуқ ва Улуғнор туман партия кенгашлари томонидан режадаги партиявий тадбирлар бўлиб ўтказилмаган. Бу эса мазкур туманларда партия аъзолари сонининг ўсишига салбий таъсир қилди. Бунда, албатта, туман кенгаши етакчиларида ўз ишига масъулият етишмаганлиги кўзга ташланади. Шунингдек, Бўз, Шаҳрихон ва Олтинқўл туман партия кенгашлари раислари фаолиятида ҳам етакчиларга хос ташаббускорлик етишмаётганлиги ҳам ачинади.

Айниқса туман партия ташкилоти билан маҳаллий депутатлик гуруҳлари ўртасида изчил ҳамкорликнинг йўлга қўйилмагани, сиёсий ўқувларнинг номини олишга ўтказилиши ҳам аҳоли орасида ғоявий тарғиботларни кенг ёйишга ҳалал бермоқда. Афсуски, тадбирлар шунчаки қоғоз тўлдириб ўтказилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Бундан ташқари партия етакчилигини янада кенгайтиришга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти. Андижон шаҳар, Асака, Балқичи ва Марҳамат туман кенгашлари фаолиятида бунинг ифодасини сезиш мумкин. Мазкур шаҳар ва туман кенгашларида етакчилик қилаётган партия фаоллари Х.Тиллабоев, М.Абдуллаева, Н.Шералиев ҳамда Ш.Мусаевларнинг нафақат партиявий вази-фалари билан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада оширишга қаратилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**  
Андижон вилояти Кенгаши  
матбуот хизмати

# Миллий сайлов тизимининг ислоҳоти

Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади

Давоми. Бошқ 1-бетдан

Концепция қоидалари асосида тайёрланган «Сайлов эркинликнинг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, сайлов кампаниялари давомида фуқароларнинг сайлаш, сайланиш ва овоз бериш каби конституциявий ҳуқуқлари ва шахнинг танлаш эркинлигини таъминловчи процессуал механизм ҳамда кафолатларини янада кучайтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаси тайёрлашни жараёнида ҳар томонлама ва миллий ўзига хослигимиз инобатга олинган ҳолда хоризж тажрибаси пухта ўрганилди. Хусусан, лойиҳа АҚШ, Канада, Германия, Франция, Испания, Корея Республикаси, Япония ва бошқа шу каби ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси, шунингдек, эркин сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги умум ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида «Сайлов оид ташкилот» — сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият эканлиги белгилаб қўйилмоқда. Бундай таъриф ақсарият ривожланган демократик мамлакатлар қонунчилик амалиётига тўла мос келади. Бу кўппартияли тизим мустақамланган, партиялараро рақобат кучайган, сайловолди ташкилотининг хилма-хил ва

қўламдор шакл ҳамда услублари пайдо бўлган шароитда «сайловолди ташвиқоти» тушунчасининг, сайлов кампаниясининг ана шу муҳим босқичини ўтказиш жараёнида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга қаратилган нормаларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

**...адолатлилик ғояси, барчанин қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу нуқтани назардан мазкур қонун лойиҳаси партия мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.**

Шунингдек, қонун лойиҳасида сайлов ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот борасида қўллаб-қувватланиши, сайловолди ташкилотининг оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши масалаларини тартибга солишчи нормалар мавжудлиги, сайловда иштирок этаётган барча номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратилиши, уларга бир хилдаги эфир вақти ва нашр майдони ҳажми бепул берилиши назардан тўтилаётгани ҳам аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси билан киритилаётган муҳим янгиллик — сайловолди кампаниясини нодавлат ОАВда ёритиш масалаларини аниқ-равшан тартибга солишчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлиги. Бу жараёнда нодавлат матбуот, радио, телевидение фаолиятининг фаоллашуви кенг очилди ва ошқоралини таъминлайди.

Оқиб ва ошқора, эркин ва чинакам адолатли сайловларни ўтказиш халқаро сайлов ҳуқуқининг энг муҳим принципларидан биридир. Ушбу прин-

цип қонун лойиҳасида ўз ифодасини топан бўлиб, унга қўра сайловни ҳамда унинг энг муҳим қисми — сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ошқоралиги, очиллиги ва шаффоқлиги, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ахборотни, сайловолди ташвиқоти материалларини тарқатиш эркинлиги, шунингдек, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг қонун ҳуж-

жати эълон қилиш, шу жумладан, уларни ахборот-телекоммуникация тармоқларида жойлаштириш тақиқланиши каби нормаларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бундай нормалар АҚШ, Франция, Япония, Испания, Канада ва бошқа мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида мавжуд. Хусусан, сайловолди ташвиқоти Японияда, Испанияда овоз беришдан бир кун олдин тугайди. Испания қонунчилигида сайловолди сўровларининг натижаларини овоз бериш олдидан беш кун мобайнида эълон қилиш ва тарқатиш тақиқланади. Мазкур тақиқ сайловчиларни уларнинг хоҳиш-иродасини ташқи таъсирдан ҳимоя қилувчи профилактика чорасидир. Чунки бундай сўровлардан тарғибот мақсадларида фойдаланилиши мумкин.

Мазкур нормаларнинг жорий этилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий нуқтаи назарларини белгилаб олиш, кимга ва қайси сиёсий дастурга овоз бериш масаласида онгли равишда қарорга келиш учун зарур бўлган қўшимча вақтни беради. Шунингдек, сайловчиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишига, у ёки бу номзодга нисбатан тахминларга асосланиб муносабатда бўлишнинг, овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қоидабузарликларнинг истисно этилишига ёрдам беради.

Маълумки, адолатлилик ғояси, барчанин қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу нуқтаи назардан мазкур қонун лойиҳаси партия мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Шу жиҳатдан олганда, қонун лойиҳасида муқаддимдан олдин овоз беришнинг тартиб-таомиллари аниқ белгилаб қўйилганлиги ҳам партияимиз олдин овоз бериш сайловдан ўн кун олдин бошланади ва сайловдан бир кун олдин тугайди, уни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, қузатувчилар, ОАВ вакиллари эътиборига етказилади.

Қонун лойиҳасида қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам партияимиз ғоя ва мафқурасига тўла мос келади. Ушбу нормаларнинг жорий этилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини янада кўпроқ таъминлаш имконини беради. Бу, албатта, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият эканлигининг яна бир тасдиғидир.

Мухтасар айтганда, Концепцияда тақдим этилган тақдир ва ташаббуслар сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

# Янгича ижодий ёндашув орқали

партия ролини оширишда қўйи тузилмалар асосий ўрин тутати



Бошланғич ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари «Мустақкам оила йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган партия фаолият дастурида назарда тутилган вазифаларни бекаму-кўст бажариви таъминлаш мақсадида омма ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирмоқда. Шу билан бир қаторда, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар кенгаши бошланғич ташкилотлари томонидан олиб борилаётган бу борадаги ҳаракатлар, айниқса, эътиборлидир.


Бугунги кунда Фарғона шаҳрида партиянинг 500 нафардан ортиқ аъзолари 21 та қўйи бўғинга бирлашган. Вилоят ўсма касаликлар шифохонасида тузилган бошланғич ташкилот шаҳар партия кенгашининг энг фаол БПТларидан саналади. Юсуф Умаров етакчилигидаги мазкур қўйи бўғиннинг 65 нафар аъзоси бир мақсад йўлида қизгин фаолият олиб бормоқда.

— Фаолиятни кенгайтиришга, аъзоларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Ю.Умаров. — Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришлар, воқеалар, барча жабҳаларда қаёқтан ислохотлар муваффақияти юзасидан шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда фуқаролар билан мунтазам равишда турли давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Дарвоқе, қўйи бўғинимиз партия сафларини социал-демократия ғояларига содиқ, қонунпар ва сиёсий етук аъзолар ҳисобига кенгайтириш, бу борадаги партия мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳам бирмунча ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда шу мақсадда шифохонамиз ходимлари ўртасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда иштирок этган шаҳар партия кенгаши раиси Шаҳноза Аҳмедова тадбир қатнашчиларини партия фаолиятининг шу кеча-қундузда олиб бораётган ишлари билан таништириш баробарида, яна ҳам уюшқоқлик ва қатъият билан фаолият юритиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Тадбир сўнггида ўн нафарга яқин тиббиёт ходимлари сафимизга қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

Мазкур шифохона бош шифокори Зулфия Исламбекова Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар Кенгаши депутати эканлиги, фаоллар ташаббуслари қўллаб-қувватланишида, амалий ишлар кўлами янада кенгайтиришда қўл келмоқда. Жумладан, бошланғич ташкилот ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида шифокорлар бевосита хонадонларга ташриф буюриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларини бепул тиббий кўриқдан ўтказди.

— Бу каби ижтимоий ҳимоя ишлари мамлакатнинг тинчлиги, элнинг осойишталигидан далолатдир, — дейди маҳалла



фуқароси Малоҳатхон Қаҳқорова. — Зеро, тинч ва осойишта мамлакатлардагина инсон кадрланади, унга мурувват кўрсатилади. Биз бугун бу эзгу ишларни ҳар бир жабҳада кўриб турибмиз. Бу, аввало, давлатимизда олиб борилаётган оқилона, одил ва халқпарвар сиёсат самарасидир. Юртимизда қарор топан бундай тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачиқидек асрашимиз зарур.

Турли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Истиқлолимизнинг 21 йиллиги олдида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирларда мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар, юртимизда қарор топан тинчлик ва барқарорлик, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилмоқда.

Бундай самарали фаолият юритаётган қўйи бўғинларни Фарғона шаҳар партия кенгашида қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо айтиш керакки, ҳудуддаги барча БПТ ҳам бирдек фаол эмас. Баъзи қўйи бўғинлар фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, Давлат ер-мулк кадастр бошқармаси Фарғона шаҳар бўлимида, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида ташкил этилган қўйи бўғинлар фаолиги сезилмапти. Бироқ шаҳар партия ташкилоти вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда «Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш» мавзусида ҳудудий ўқув-семинарлари ташкил этаётгани мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини берапти. Кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий билим ва малакасини чуқурлаштириш, қўйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш учун турли кўргазмали вазифалар, замонавий қўлланмалардан фойдаланиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Зеро, ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қўйи тузилмаларда ишга ёндашуви янгилаш асосий вазифа саналади. Шу боис ҳам қаёқтан амалий ишларнинг суръат ва самарасини ошириш билангина бу борада сезиларли муваффақиятларга эришиш мумкин.

Дилноза АҲМЕДОВА,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Фарғона вилояти Кенгаши  
ходими

**Сиёсий ўқиш**

Партия дастурий ғоялари халқчил бўлса, сайловчилар эътиборини қозона олади. Дастурий ғоялар тарғиботи ва уларнинг ижроси эса партия кадрларидан сиёсий саводхонлик, фаоллик ва ташаббускорлик талаб этади. Шу боисдан Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг жойлардаги барча ҳудудий ташкилотларида сиёсий ўқувлар ташкил этиш орқали раҳбар кадрларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларга сайловчилар билан ишлаш ва уларнинг муносабатларини ҳал қилишда зарур кўрсатмаларни етказишга муҳим эътибор қаратиб келмоқда.

# Кадрлар салоҳияти ва ташаббускорлиги

партия ташкилотлари иш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан Ангариқ туманида ташкил этилган «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мазмундаги ҳудудий ўқув-семинари ҳам ана шу долзарб масалаларга қаратилди.

Таъкидланганидек, партия фаолияти халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда янада фаол иштирок этиш, фуқароларни ушбу ғоялар атрофида бирлаштиришда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий адолат ва ҳақиқат ғояси Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий йўналишларида ҳисобланади.

— Бугун олдимизда турган энг асосий вазифа, — деди Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Шайметов, — барча партия ташкилотларимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридаги устувор йўналишлар ҳамда унга ҳамоҳанг тарзда партияимиз сайловли дастурининг ижросида фаоллик ва самарадорликни ошириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган ғояларни халққа етказиш ва тушунтиришдан иборат.

Бу борада олиб бораётган ишларимиз самаралари жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хоразм вилоятида партия аъзолари сони 837 нафарга кўпайгани, умумий аъзолари сони бугунги кунда 7500 нафардан ошгани, бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам яна 5 тага кўпайганида ўз аксини топди. Кўрииб турибдики, фаолларимиз оммани

партияимиз дастурий ғоялари атрофида жипслаштиришда, уларнинг ишончини қозонишда муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Шунга қарамай, баъзи туман ва шаҳар кенгашларидаги кадрлар кўникмасизлиги, айрим раҳбар кадрларда сиёсий билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги ва масъулиятсизлига йўл қўйилганлиги ҳам ачинарли, албатта. Бу каби камчиликларни танқидий таҳлил қилиб бориш ва уни бар-тароф этишда эса ташкил этилаётган сиёсий ўқувларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Семинарда қатнашган фаолларимиздан бири: «Тўғриси, машгулотларга келаётган улар одаддаги тадбирлардан бири бўлса керак-да, деб ўйланганим. Аксинча, улар ўз мазмун-моҳияти билан ҳар қандай тингловчида катта қизиқчи уйғотмоқда. Шу боис бирорта машгулотни қолдирмасликка ҳаракат қилаяман», — деб қолди. Назаримизда, бу фикрни изоҳлаш ортиқча.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий ўқувларнинг йўл қўйилиши партияимиз фаолиятини кўнатиришда ўзига хос воқеа бўлди. Мутахасссларнинг фикрича, таълим соҳасига сарфланган ҳар бир сўм маблағ уч баробар фойда келтирар экан. Балки партиявий соҳада «фойда» сўзининг қўлланилиши унчалик тўғри келмас. Лекин ғоявий етуқ, фидойий маслақдорларсиз партия фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, фақат натижа учун ишлашимиз керак. Агар бундан 5-6 йил илгари нималарнидир чуқур ўйламаган, қаердадир хато қилган бўлсак, сиёсий соҳада тажрибасизлигимиз бор-да, дея ўзимизга тасалли беришимиз мумкин эди. Аммо бугун ҳар қандай баҳона бизнинг зараримизга ишлайди. Чунки икки палатали парламентга ўтказилган сайловларда ортирилган тажриба, сиёсий партияларга ҳуқуқий томондан берилган имкониятлар, БПТлардан тортиб депутатлик гуруҳларигача бўлган фаолият бизни жуда катта синовдан

ўтказди. Кимдир биз учун нимадир қилиб бермаслигини аниқлаш пайти келди. Зиммамизда партия кадрларининг бугунги ҳолати учун катта масъулият турганлигини чуқур ҳис этиб фаолият юритишимиз лозим.

Тадбирда, шунингдек, яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини нишонлашга жойларда муносиб ҳозирлик кўриш, аҳоли билан учрашувларда мустақиллик моҳиятини очиб бериш, истиқлол йилларида кўлга киритилган ютуқларимизни, ёшларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, уларни ёт гоа ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш каби вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш ҳақида сўз юритилди.

Ўқув-семинаридаги маърузаларда асосий эътибор партия кадрларининг сиёсий онгини юксалтиришга қаратилиб, корпоратив маданият, ташкилотни муваффақиятли бошқариш усуллари, кадрларнинг ҳар соҳада илгорлигини таъминлаш учун бошқарув маҳоратини орттириб боришлари юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Иштирокчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнилари механизмлари, бунда сиёсий партияларнинг иштироки ҳақида батафсил ахборот берилди. Ушбу жараёнда партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш усул ва услублари очиб берилди. Партия ташкилотлари ва уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги вакиллари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида фикр алмашилди. Шунингдек, партия фаолларида меъёрий-йўриқнома ҳужжатларининг электрон нусхаси, тегишли адабиётлар ва кўргазмалли тарғибот материаллари тарқатилди.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**  
Хоразм вилояти Кенгаши  
матбуот хизмати

# Оилавий муносабатлар қонуний асосда бўлгани яхши

2012 йил —  
Мустаҳкам оила йили

Миллат маънавияти шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс. Зеро, жамиятнинг негизи ҳисобланмиш муқаддас даргоҳда эртанги кунимиз эгалари тарбияланади. Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталишида ҳам мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, уларда азалдан кадрланиб келган аёнана ва урф-одатлар, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом фарзандни вояга етказишдек хайрли мақсадлар мумкин.

Бироқ ижтимоий ҳаётда, аниқроғи оила қуриш билан боғлиқ айрим муаммолар учрамоқдаки, улар оила мустаҳкамлигига, соғлом авлод тарбиясига ўз салбий таъсири кўрсатмай қолмайди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судьяси Абдурахмон Сафоев билан суҳбатимиз ҳам оила қуриш ва унинг мустаҳкам бўлишида қонуний никоҳнинг аҳамияти хусусида бўлди.

**— Никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида қонуний расмийлаштиришдан тузиш ҳолатлари, афсуски, ҳаётимизда учраб турибди.**

— Саволингизга тўхталишдан олдин бир нарсани таъкидламоқчиман. Жорий йилда ҳар бир соҳа вакилларида бўлгани каби ҳуқуқшунослар олдида ҳам муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Булар, аввало, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан янгида қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида бугунги ва эртанги кун талаблари акс эттишига эришиш, уларнинг ҳаётга жорий этилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, шунингдек, янги қонун-қондаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенгроқ тушунтириб беришдан иборат. Жамиятни қонунлар бошқарар экан, уларнинг ҳаётга яқин ва давр талабларига қанчалар жавоб бериши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан бугунги кун талаби нафақат ҳуқуқшунослар, балки, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Энди бевосита саволингизга келадиган бўлсак, Оила кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-рўсулларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Демак, бундай никоҳ эр-хотин ўртасида ҳақдорликни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида фикр алмашилди. Шунингдек, партия фаолларида меъёрий-йўриқнома ҳужжатларининг электрон нусхаси, тегишли адабиётлар ва кўргазмалли тарғибот материаллари тарқатилди.

Натижада, кўп ҳолларда аёлларимиз фарзандларига туғилганлик гувоҳномадорлиги олдига муаммоларга дуч келадилар. Чунки бундай никоҳда бўлган эр ФХДЭ органда ўзи хоҳлаб фарзандига нисбатан оталигини белгиланмаган бўлса, кейинчалик эр-хотин ажрашиб кетса, хотин фарзанди таъминоти учун алимент ундириш масаласида тўғридан-тўғри судга мурожаат қила олмайди. Аксин-

ча, у аввал фарзандига нисбатан шаръий никоҳда эрининг оталигини суд орқали белгилатиб олишга мажбур бўлади.

**— Бу қай тартибда амалга оширилади? Иложи бўлса, мисоллар келтирсангиз?**

— Оила кодексининг 62-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онанинг бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасига кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибидан белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибидан белгилаш ота-онанинг бирининг ёки боланинг вазийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола туғилган қарамогидан бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2001 йилда шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, ўрталарида 2 нафар фарзанди борлиги, оилавий келишмовчиликлар сабабли, жавобгар билан бирга ўша йилнинг августидан бери яшамаётганлиги, жавобгар фарзандлари ва унга моддий ёрдам бермаётганлиги, вақтинча ҳеч қаерда ишламаслиги, фарзандлари билан қийин аҳволда қолгани учун судга мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини кўрсатиб, жавобгардан қичқ қўрсатди таъминоти учун алимент ва ўзи учун фарзанди 3 ёшга тулғунига қадар ҳар ойда 50.000 сўмдан алимент ундириб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, аёлнинг фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш талаби қаноатлантирилган. Бироқ, тарафлар ўзаро қонуний никоҳда бўлмаганликлари сабабли, аёлнинг ўз таъминоти ҳақидаги даъво талаби рад этилган.

**— Мол-мулк бўлиниши ва мерос ҳуқуқи борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Қонунчилигимизда кўрсатилганидек, эр ва хотиннинг никоҳ довозида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажақ эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Эр-хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, бола парварishi билан банд бўлган ёки бошқа уэрли сабабларга кўра мушкул иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлиши, унга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаруф этишлари мумкин. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасаруф битим амалга оширилган тақдирда ҳам эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирилган умумий кўчмас мол-мулкни тасаруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотарий билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини аниқлаш зарур.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирилган умумий кўчмас мол-мулкни тасаруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотарий билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга ошириланган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билмishi лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибидан ҳақиқий эмас, деб топшишни талаб қилишга ҳақлидир.

Диний расм-рўсулларга биноан тузилган никоҳдаги эр-хотин ўртасида мулк муносабатларга эса юқорида нормалар тадбиқ этилмайди. Демак, бундай никоҳдаги эр ўз номида бўлган мол-мулкни хотиннинг розилигисиз тасаруф этишга ҳақли.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мулк низолар келиб чиққан тақдирда бундай никоҳда бўлган эр ёки хотин умумий мулкни яратишда келишув бўлганлиги ҳамда умумий мулкка ҳисса қўшганликлари фақатгина суд орқали исботлашга мажбур бўладилар. Шаръий никоҳда бўлган хотин эрининг вафотидан кейин унинг мулкдан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Муҳтасар айтганда, жамиятда учраб турган мана шундай камчиликларни бартараф этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мамлакатимиз келажига, демократик ислохотлар тақдирини, кишиларнинг, бутун халқнинг онги, маънавияти даражасини янада оширишдаги ижтимоий ҳамкорлигига боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлгандагина, демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оилавий муносабатларни қонуний асосда никоҳ қуриш нафақат, эр-хотин, шунингдек, фарзандларнинг ҳам ҳуқуқлари таъминлангани, мустаҳкам оилалар кўпайишига замин яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**  
суҳбатлашди.

# Тадбиркор маҳалла — турмушга фэйз, кўрк бағишлайди

2012 йил —  
Мустаҳкам оила йили

Самарқанд шаҳрининг «Ёшлик» истироҳат боғида ўтказилган тадбирда демократик кадрларларимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва афзалликлари яна бир қарра намоён бўлди.

Даставвал, шуни таъкидлаш лозимки, бугун Самарқанд шаҳрида 170 дан ортиқ маҳалла намунали фаолият юритиб келмоқда. Уларда оилавий тадбиркорлик, спорт-соғломлаштириш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, ёшлар тарбияси билан шуғулланишда катта тажриба тўпланган. Маҳаллалар қошидаги миллий ҳунармандчилик, фольклор-этнография ва халқ амалий санъати билан шуғулланиб келаётган оилалар вакиллари турли нуфузли кўрик-танловларда голиблар қаторидан жой олиб келишмоқда. Шаҳарда-



лик соҳасидаги энг яхши ишлари намоёйиш этилди.

Самарқанд шаҳридаги 70 дан ортиқ маҳаллада Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилотлари мунтазам фаолият юритиб, маҳалладошларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиб келмоқда. Тадбирда қатнашган партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Хуршид Бўлтақов маҳаллалардаги ибратли ишлар ва «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг бажарилишида бошқарув идоралари, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга эътиборни қаратди ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ маҳалла фаолларига партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир сўнггида «Йилнинг энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси», «Энг яхши тадбиркор маҳалла фуқаролар йиғини», «Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда энг намунали маҳалла», «Спорт соҳасида энг кўп ютуқларга эришган маҳалла» сингари номинациялар бўйича ўтказилган кўрик-танлов голиблари тақдирланди.

**Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,**  
«Adolat» мухбири





# Ижро интизоми

## биз уни қандай тушунамиз?

**Муносабат**

Газетанинг шу йил, 6 ва 13 июль сонларида ижро интизоми мавзусида эълон қилинган мақолаларни ўқир эканман, бу борадаги баъзи фикр-мулоҳазаларимни газетхонлар билан ўртоқлашди фикри тугилди. Газета бу муаммага тез-тез қайтаётгани қувонарли ҳол, албатта. Чунки ҳамма соҳада, ҳар бир ишда, ҳар ташаббусда ижро интизоми муваффақият келтирувчи муҳим омил ҳисобланади. Бунга амал қилинмаса, бошланган энг яхши ишлар ҳам поёнига етмай қолади. Афсуски, баъзан шундай бўлади ҳам.

Ижро интизоми жуда кенг, таъбир жоиз бўлса, фалсафага қўйилган тушунча. Инсоннинг бутун ҳаёти маълум интизомларга, ёзилган ва ёзилмаган тартиб-қоидаларга онгли равишда амал қилишдан иборат. Кўпинча ижро интизоми деғанди, иш фаолияти юзасидан бирор топшириқнинг вақтида бажарилишини тушунамиз. Бу тўғри, албатта. Аммо фақат топшириқни бажариш билангина иш битмайди.

Ҳар бир киши касб-коридан қатъи назар, ўзига тегишли ишни биров айтмаса, топшириқ бермаса ҳам, бажаришга, бажарганда ҳам, шунчаки қўл учиди эмас, кўнгилдан ижро этишга ўрганиши керак. Топшириқни бажаришга ўрганиб қолганлар ўзларича, мустақил равишда бирор бир қарорга келишга қийналадилар. Улар учун энг муҳими — топшириқ олиш ва уни бошлаш олдига қўйилмақом қилиб бажариши. Бошқа бир тоифа одамлар топшириқ берилишини кутиб ўтирмай, нима иш қилиш кераклигини билиб, шунга яраша иш қилишаверади. Буни оила мисолида ҳам кўриш мумкин. Болалардан бири фақат ота-онаси айтган, тайинлаган ишни бажаради, бошқиси билан иш бўлмайди, иккинчиси эса ҳовлида, рўзғорда, томорқада нима иш борлигини яхши билади ва ота-онасининг айтишини кутиб ўтирмай, уни бажариб қўяди.

Интизом одамнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилайди. Фақат ишга эмас, тақлиф қилинган жойга, тўй-ҳашамга, маҳалладаги тадбир ҳам вақтида бориш, дўст-қадрдонларни, бизнес ҳамкорларни куттириб қўймаслик ёки кеч

қолиб келиб, ортиқча ташвиш туғдирмаслик юксак одоб намунаси ҳисобланади.

Ҳар йили баҳорда маҳалларда ҳашар йўли билан кўчалар, ариқ-зовурлар тозаланади, қаровсиз жойлар ўзлаштирилади, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилади. Янги

**Ижро интизоми ҳар бир кишининг ишга, касбига, хизмат юзасидан зиммасига юкланган масъулиятига қандай муносабатда бўлишини ойнадай равшан кўрсатиб туради. Бундай интизом бўлмаган жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик каби иллатлар кучаяди, шахсий манфаат меҳнат жамоаси манфаатидан устунлик қилади.**

**Кейинги пайтларда жамоатчилик назорати ҳақида ҳам кўп ёзилмоқда. Бу кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш билан боғлиқ ўта муҳим жараён. Айни чоғда, бундай назорат ижро интизомига бевосита боғлиқ ҳам.**

экилган ниҳолларни парвариш қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу ишга кимлардир масъул этиб тайинланади. Аммо... бу топшириқ бажарилмайди, кўчатларнинг ярми, баъзи ҳолларда ундан-да кўпи ёз оёқламай туриб, қурибди. Кейинги йили баҳорда яна ҳашар уюштирилади, яна кўчат экилади ва яна тадбир-чоралар режаси тузилади. Бу жараён йиллар давомида ниҳоятча етмайди. Чунки ижрода ички интизом етишмайди.

Ижро интизоми ҳақида фикр юритганда, ёдимга бир воқеа тушади. Бундан анча йиллар аввал водий туманларидан бирида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, мароқли дам олишни ташкил этиш борасидаги ишлар ўлда-жўлда эканлиги тўғрисида аччиққина танқидий мақола ёзганман. Мақола газетда чоп этилган, орадан кўп ўтмай, туман раҳбарлари номидан тахририятга жавоб мактуби келди. Унда ёзилишича, мақолада кўрсатилган жамики камчиликлар қисқа муддат ичида бартараф этилибди, ёшлар учун турли тўғарақлар иш бошлабди, маданият ва истироҳат боғи тартибга келтирилибди.

Хурсанд бўлиб, жавоб мактубини эълон қилмоқчи бўлдим. Аммо менда бир ишлатибди, ҳаёт пайди бўлди. Наҳотки икки-уч ҳафта ичида йиллар давомида йиғилиб қолган шунча муаммо ҳал қилинган бўлса? Тахририят топшириғи билан яна шу туманга бордим

ман раҳбарияти ўзгармагунча, бу ерда маданий-маиший соҳада қаламга олғулик бирор бир иш қилинмади.

Бу воқеани эслашимнинг боиси бор, албатта. Хизмат юзасидан куйи ташкилотлардан келган турли ҳисоботларни ўқишга тўғри келади. Уларда акс этган рақамлардан хулоса чиқарадиган бўлсангиз, ҳаммаси жойида, олам гулистон. Аммо ҳақиқий аҳвол бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Бир жойда йиғилиш ёки учрашув ўтказилган бўлса, бир неча ташкилотлар уни ўз ҳисоботида киритади. Учрашув ёки йиғилиш қандай натижа бергани, бирор муаммо ҳал этилгани эса номатълумлигича қолаверади.

Ижро интизоми ҳар бир кишининг ишга, касбига, хизмат юзасидан зиммасига юкланган масъулиятига қандай муносабатда бўлишини ойнадай равшан кўрсатиб туради. Бундай интизом бўлмаган жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик каби иллатлар кучаяди, шахсий манфаат меҳнат жамоаси манфаатидан устунлик қилади.

Кейинги пайтларда жамоатчилик назорати ҳақида ҳам кўп ёзилмоқда. Бу кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш билан боғлиқ ўта муҳим жараён. Айни чоғда, бундай назорат ижро интизомига бевосита боғлиқ ҳам. Бирор соҳада, масалан, ислохотлар қандай бораётгани, камчиликлар қандай бартараф этилаётганини жамоатчилик назорати (кузатув) билан аниқлаш мумкин. Аммо ишга, топшириққа виждонан ёндашиш, масъулиятни унутмаслик, умумий муваффақиятга дахлдорлик ҳиссини англаш — энг самарали назорат ҳисобланади. Ҳар бир киши ўз ҳатти-ҳаракати, қилаётган иши, тутган йўли тўғрисида, аввало, ўзига ўзи ҳисоб бериши, ўзини ўзи виждонан тафтиш қилиши даркор. Агар биз маҳаллада, меҳнат жамоасида ёки оиламизда юзага келаётган бирор муаммони ўзимиз англаб, вақтида унинг олдини олак, бу — яхши хусусият, аммо бепарво бўлиб, муаммонинг фавқулодда урич кетишига йўл қўйсак ва шундан кейингина мажбуран уни тузатишга киришсак, бу энди бутунлай бошқа нарса. Ҳар ишнинг ўз вақтида бўлгани яхши.

M. АХМЕДОВ



## Электрон ҳисобот афзалликлари

**Қарор ва ижро**

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат бошқарув органларида, шу жумладан, Давлат солиқ хизмати органларида ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланишга муҳим аҳамият берилмоқда. Дорҳақиқат, кейинги беш-олти йил ичида электрон хизматларни тўла шакллантириш юзасидан фоол чора-тадбирлар кўрилаяпти. Хусусан, бир неча меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган салмоқли ҳуқуқий база яратилди, ҳукуматнинг ўнга яқин қарори эълон қилинди, 40 дан ортиқ идоравий ва идоралараро меъёрий актлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва ҳўжа бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси томонидан бепул интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун ахборот ва маълумот айирбошлашнинг энг қулай, арзон ҳамда ишончли воситаси бўлиб қолди. Ушбу тизимда фойдаланиш свазига солиқ тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларни, бошқа зарурий ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш ҳамда солиқ органларига жўнатиш имкониятига эга бўлди. Бунда, биринчидан, ҳужжатларни қозғ кўринишда топширишга эҳтиёж қолмади. Иккинчидан, солиқ ва молиявий ҳисоботлар Интернет тармоғи орқали юбо-

рилатганидан буён айрим мантқий ҳамда арифметик хатоликларнинг олди олинадиган бўлди. Муҳими, солиқ органига бориш, навбат кутиш, ҳисоботни топшириш ва қайтариш учун сарфланадиган вақт тежаланди бўлди.

Кўрсатилган интерактив хизматлардан фойдаланиш мақсадида бугунги кунда Навоий вилоятда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг 81 фоизига электрон рақамли имзо қалитлари ва сертификатлари берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони асосида 2014 йил охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботлар топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминлаш вазифаси белгиланди.

Ушбу фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг якунига қадар, вилоятда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчиларнинг барчасига электрон рақамли имзо қалитлари ва сертификатлар бериш ҳамда улардан

ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш режалаштирилган. Шубҳасиз, электрон хизматга ўтиш йўлидаги босқичма-босқич саъй-ҳаракатлар иқтисодимизнинг ривожланишига, бюрократик амалиётларнинг камайишига хизмат қилади, давлат идораларининг иш самарадорлигини оширади, турли маълумотлар очиқлиги боис аҳолининг фуқаролик жамияти қуришидаги кенгроқ иштирокини таъминлайди, давлат идораларининг шаффоқлигини кучайтиради, бюрократик тўсиқлар янада камайишига олиб келади.

Эътироф этиш керакики, кучли давлат гоёсини қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам вазирликлар ва муассасаларнинг иш сифати тинимсиз ўсиб бориши, қабул қилинаётган қарорларнинг ҳар томонлама чуқур ишланиши, бюрократиянинг барча кўринишлари бартараф этилиши тарафдори бўлиб, бу вазифалар партиянинг дастурида кўрсатиб ўтилган. Шу нуқтани назардан электрон ҳисоботи йўлга қўйиш чора-тадбирлари бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «электрон ҳукумат» концепциясини илгари сурган «Адолат» СДП гоёларига ҳамоҳанг, десак янглишмаган бўламиз.

Василиддин МАҲМУДОВ,  
Навоий вилоят ДСБ  
шўъба раҳбари

# ЎзХДП маҳаллий нашрлари кимларнинг манфаатига хизмат қилмоқда?

**Партиялараро мунозара**

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолияти ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётир. Бу борада, айниқса, ОАВнинг тутган ўрни кун сайин ортиб, ҳам тарғибот-ташвиқот, ҳам электротар аъзолари билан изчил олоқа ўрнатиш, уларнинг муаммоларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этишда самарали воситага айланиб бормоқда. Тарғибот ва ташвиқот нафақат бу бирон бир партиянинг аҳоли ўртасида ўз дастурий мақсад ва вазифаларини тушунтириш, оммага тарғиб қилишдан иборат, балки сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида қилинган амалий ишлар, ўтган сайловдан олдин берилган ваздалар, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг нечоғлик амалда бажарилганлигини кўрсатиб бериш ҳамдир.

Партия нашрлари ҳақида сўз кетаркан, фақатгина марказий нашрларгина эмас, маҳаллий, худудий даврий нашрларнинг ҳам партия дастурларидаги муайян мақсадларга эришишидаги ижтимоий-сиё-

сий аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Маълумки, бир неча йиллардан буён ЎзХДПнинг худудий кенгашлари муассислигида бир қанча вилоятларда маҳаллий газеталар нашр

этиб келинмоқда. Жумладан, «Қарақалпақстан ҳаўзы» (Қарақалпоғистон Республикаси), «Халқ иродаси» (Наманган вилояти), «Халқ йўли» (Сурхондарё вилояти), «Эфирда Қашқадарё» (Қашқадарё вилояти), «Халқ ишончи» (Навоий вилояти) газеталари айнан халқ демократларининг вилоят кенгашлари муассислигида чоп этиб келинмоқда. Улар фаолияти билан кизиққанмизда галати маълумотларга дуч келдик. Мисол учун, ЎзХДП Навоий вилояти кенгаши муассислигидаги «Халқ ишончи» газетаси жорий йил бошида борйўғи 2 маротаба нашрдан чиққан ва февраль ойидан буён номатълум сабабларга кўра чоп этилмапти, аммо бу ҳақда газетда ҳеч қандай оғохлантириш ёки билдирги эълон қилинмаган.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир сиёсий партия ва, қолаверса, партияларнинг куйи бўғинларидан, маҳаллий ташкилотларидан, ҳар бир аъзо-

сидан алоҳида ташаббускорлик, ижтимоий-иқтисодий дас-турларни ижро этишда ташкилотчиликни талаб этаётир. Депутатларнинг вазифаси фақатгина сессияларда кўр тўкиб ўтириш эмас. Замон улардан вилоят ҳаётига фаол аралашини, вилоят раҳбарларининг фаолиятини назорат қилишни, уларнинг ишини ҳолисона баҳолашни, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашни талаб этмоқда.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ХДПдан сайланган 200 дан ортиқ депутатлар фаолият юритмоқда. Юқорида таъкидланганидек, партия вилоят фаолиятининг ўз наشريга эгаллиги депутатлар учун улкан имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз. Бироқ жорий йил бошидан буён «Халқ йўли» газетасида ХДПчи депутатлар 7-8 тагина чиқишлар қилган. Улар ўқилганда эса вилоятда «ижтимоий химояга муҳтож бўлган» ЎзХДП электротари вакилларининг манфаатлари химояси борасида, мазкур партия ташкилотлари, ви-

лоятдаги депутатлик гуруҳлари, БПЛларнинг фаолияти ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш жуда мушкул.

«Халқ йўли» газетасининг 2012 йил 16 июнь сонидида «Ваъда амалда бажарилса» номли мақола берилган. Бойсун турмани ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзолари танқид қилинган бу мақола «Ўзбекистон овози» газетасидан кўчириб овозилади. Бунинг қанчалар ўринли ёки ноўрин эканлигини муҳокама қилишга аслида ҳоҳат бўлмаса керак. Зеро, марказий нашрдан кўчириб босилган мақола кўра вилоят ҳаётига оид мақолаларни, аввало, «Халқ йўли» кўтариб чиқса, мақсадга мувофиқ иш бўлишини барча яхши тушунади. Бироқ мақола «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилгани, демак ҳеч ким қаршилиқ қила олмайди, ҳеч ким маҳаллий нашрга эътироз билдира олмайди» қабилда берилганиги бироз кейин маълум бўлди. Орадан маълум вақт ўтган «XXI asr» газетаси ушбу мақолада келтирилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини, «овозчилар» бошқа бир парти-

яни айблаш учун Халқ депутатлари туман сессияларига қатнашмай келаётган ўз депутатларини бошқа партия депутати сифатида кўрсатганликларини очиб ташлади. Савол туғилади, ҳўп, «Ўзбекистон овози» маълумотларнинг тўғричилигини текширишда қийинчиликка дуч келганда, ХДПнинг Сурхондарё вилояти кенгаши-чи?! Газета тахририятчи?! Демак, ҳаттоки вилоят кенгаши ҳам ўз депутатларини билмайди, вилоят наشري эса жавобгарлик ўзидан соқит бўлса бўлди, исталган мақолани чоп этаверар экан-да?!

Шунга ўхша ҳолатни ХДПнинг бошқа маҳаллий нашрларида ҳам кузатиш мумкин. Уларда электротар манфаатини химоя қилиш, марказий нашрлари ва бошқа ОАВ орқали «ХДПчилар» бот-бот тилга олаётган аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий-химояга муҳтож аҳоли қатламнинг оғирини енгил қилишдаги амалий ишлар, аниқ вазифалару тақлифлар кўринмайди. Демак, бу газеталар ХДП учун тижорат воси-

таси сифатидагина керак бўлиб қолмоқда, чунки уларда сиёсий партия нашрига хосликдан кўра кўпроқ, оммавий-маданий, кўнгилочар материаллар, теледастурлар рўйхати каби «сариқ матбуот»га хос жиҳатларни кўпроқ учратиш мумкин.

Биз «Эфирда Қашқадарё» газетаси ҳақида тўхталиб ҳам ўтирмадик, чунки ушбу нашрнинг электротар ў ёқда турсин, партия ташкилотларининг, депутатлик гуруҳларининг фаолияти ҳақида умуман ҳеч бир материал учрамайдиган сонларига ҳам дуч келдик.

Албатта, ОАВ орқали чиқиш қилиб, муаммоларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этишда, шу орқали электротарнинг муносабатини, фикрини ўрганишда, ўзига билдирилган ишончини оқлашда депутатлар учун нашрларнинг аҳамияти катта. Зеро, бугун ўз муаммосини кўтарган, унга озми-кўпми ёрдам берган, фидоий депутатни сайловчи асло унутмайди.

C. АКБАРОВ

# Бунёдкорлик — имкониятдан, мартаба — меҳнатдан

«Давом. Боши 1-бета»

## ЕРИ ОЛТИН, СУВИ ЗАР

Избосканнинг ери олтин, суви зар, дейишади. Фермерлари эса ҳеч кимдан қолишмайдиган уста заргарлардир. Рақамларга мурожаат қиламиз: биргина шу йилнинг ўзида туманда галладан юксак хирмон яратилиб, ўртача ҳосилдорлик 65 центнерга етказилди. Шартномага мувофиқ 187 нафар фермер ҳўжалигидан 23 минг 349 тонна сара дон қабул қилиб олинди. Унинг 6 минг 100 тоннасини уруғлик галла ташкил этади. Бу сара уруғлининг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига жўнатилади. Уруғлик дон тайёрлашда бой тажрибага эга бўлган избосканлик фермерлар учун бу катта шараф ҳамдир.

Туман ҳокими, Олий Махлис Сенати аъзоси Улуғбек Абдуллаев билан Избоскандаги ўзгаришлар, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида эришилаётган юксалишлар ҳамда муваффақиятлар ҳақида анча суҳбатлашдик. Бугун юртимизда бўлгани каби Избосканда ҳам айнан мустақиллик шарофати билан ер ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтди. Фермерлар ҳалол меҳнатлари билан ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, элда кадр топишмоқда. Зеро, юртта фидойийлик бунёдкор халқимизга хос бўлган юксак фазилатдир.

Мамлакатимизда эл фаровонлигини кўзлаб ишлаб чиқилган махсус озиқ-овқат дастури ўз самарасини бермоқда. Унга асосан туманда бобдорчилик, чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаяпти. Пахта ва галладан ҳар йили мўл-кўл ҳосил этиштириб келаётган «Шарк Ҷолдузи келажак» фермер ҳўжалиги 2010 йили уч гектар майдонда кўчат экиб, боғ яратди. Ундаги 1400 туп олхўри ва гилос ўтган йили ўзининг илк ҳосилини берди. Бу йил эса ҳўжаликдан олинган сархил неъматлар эл дастурхонини безадди. Мойгир қишлоғидаги фермер Усмонов Юлдашев 20 гектар майдонда шолити этиштириш билан бирга балиқчиликка ҳам кўл урган. У 2009 йили ҳўжаликка туташ икки гектар ташландик, қаровсиз, кўлмак жойини ўзлаштириб, интенсив равишда балиқ этиштирадиган учта ховузма ва оқова сув билан таъминланган бешта ховузни ишга туширди. Оқ амуру, сазан ва дўнпешона балиқларини боқиб, катта фойда олди. Тумандаги энг илгор чорвадор фермер — Адхамжон Мамажоновнинг насли зотдор молларни кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам бугун ўз самасини бермоқда. У бошқараётган «Оқ тулпор ишончи» фермер ҳўжалиги ҳозир нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган жамоаларнинг бирига айланган.

## МЕҲНАТ БЕРГАН МАРТАБА

Икки томондаги алпдек тераклар орасини ёриб ўтган катта йўлдан олдинга қараб интилаётган «Нексиа» Чувачи қишлоғининг ўртасига яқинлашганда секинлашди.

— Кўраёсизми, гўзалар қанчалик дуркун ривожланган, — деди бизга ҳамроҳлик қилаётган Избоскан тумани Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассиси Хайрулло Эргашев чап томонда яшнаб ётган кўм-кўк далага ишора қилар экан. Кейин кўшиб кўйди: — Ҳақимжон ака ҳақиқий деҳқон, ишининг кўзини билади. Қанон қараманг, даладан бери келмайди.

Ҳа, Хайрулло айтганидек, даладаги гўзалар бир-биридан баравж ривожланганди. Бир қарашданок, кечагина ерга қадалган чигитнинг бу даражага етгунича катта меҳнат қилинганлиги сезилиб турарди. Бироз юргач, машина «Чувачи ҳосили» фермер ҳўжалигига ҳуш келиб-

сиз», деб ёзилган панно ёнидан ўнган бурлиди. Тутзор оралаб ўтган йўлнинг икки четига туташган дала эндигина буй рослаётган кунгабоқар билан яшнаб ётарди. Галладан бўшаган майдонга яқиндагина экилган бу такрорий экин бутун Андижон вилоятида урф бўлгани каби, Избосканда ҳам анча оммалашди. Ҳозир туман бўйлаб далаларни кўздан кечирсангиз, унга ярашиб турган кунгабоқарларни кўриб асло ажабланмайсиз. Ундан олинмаган ёғ эртага қозонимизга тушиб, овқатимизни ширин, дастурхонимизни тўқин қилади.

«Чувачи ҳосили» фермер ҳўжалиги раҳбари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими» Ҳақимжон ака Акбаровни биз шийпондан топдик. Эрталабки салқинда у фермер ҳўжалиги аъзоларини бу ерга тўплаб, йиғилиш ўтказаятган экан.

— Ҳаммагиз яхши биласиз, — деди қатъият билан гапини давом эттираётган уйдабурон фермер, — август ойи ҳосил тақдирини ҳал қиладиган ой. Бу пайтда саратон кун санайди, деҳқон эса кўсак. Вақтни бой бермай отни қамчиллаб қолайлик. Ўтаётган ҳар бир кун ҳаммамиз учун нақадар муҳимлигини унутмайлик...

Ҳақимжон ака уста деҳқон эмасми, ҳар бир ишловчи аниқ топшириқлар берди. Кеча бажарган ишини таҳлил қилди. Бугун қайси гектарда қандай юмушлар бажаришни уқтириб, далага кузатиб қолди.

— Ҳар куну биз ишни шундай бошлаймиз, — деди ёши улуг бўлишига қарамай қалбидан гайрат-шижоати тўлиб тошган фермер бизни илқ қарши оларкан. — Деҳқончиликда куруқ гап кетмайди. Қишлоқ ҳўжалиги амалий ишларни ёқтиради. Аччиқ бўлса ҳам очик айтаман, нимани эксанг шуну ўрасан, деган гап айтиш керак бўлади. Маня экинми, ўрпимиз, ҳосилини олаймиз, хузурини кўраймиз. Ишламасак, ялқовлик қилсак бу ютуқлар қаёқда дейсиз.

Ҳақимжон ақанинг катта мактабни ўтаб, ҳаётда кўп нарсаларни библии шундоқ кўриниб турибди. У бизни айвондаги сўрига таклиф қилди. Дастурхон ёзиб, бир пиёла чой устида биз билан гурунлашмоқчи бўлди. Фермер ҳўжалигининг ишларида турмуш ўртоғига қарайиб ёнида юрган, ўзининг ширин таомлари билан кўп йиллардан бери жамоани сийлаб келаётган Мавлуда опа Акбарова бир зумда нонушта ҳозирлади. Таомилга кўра дастурхонга биринчи бўлиб тандирдан эндигина узилган, ҳуштаём ҳиди димоқни қитқалаб, иштаҳани очадиган иссиқ нон қўйилди. Унинг ёнидан бир коса қаймоқ билан қатик жой олди. Кейин мева-чевалар келтирилди. Нонни ушатиб, бир пиёла чойни хали кўнлаб улгурмасимиздан ҳўжалик бекаси ликопчаларда қорилган туҳумни олиб келиб, дастурхонга кўйди. Бундай илтифотдан хижолат бўлиб ўтирганимизни сезди шекилли, Ҳақимжон ака изоҳ бера бошлади:

— Тортинмай олаверинглар, ҳаммаси ўзимиздан чиққан. Бозор-ўчар қилиб, бирон нарсани четдан олиб келганимиз йўқ. Ҳар куну тушиқда ишчиларимизни бепул иссиқ овқат билан сийлаймиз.

Атрофга разм солдик. Шийпон ёнида товук, қурқалар ҳўжалари билан ризқ теиб юрибди. Нарироқда кўй-кўзилар билан бирга сигирлар боқилмоқда. Бузоқлар парвариш қилинапти. Неъматлар султони бўлиши нонга айлантирилиб, дастурхонга тортилган бугдойни-куқяверинг, ҳатто ҳўжалик аъзоларининг ошига маза киритаётган, ларганда марвариддай товланиб турган гуруннинг ўзи ҳам шу фермер ҳўжалиги далаларида этиштирилаётган экан. Ҳа, фидойи халқимизнинг самарали меҳнатлари авазига дастурхони шундай тўқин, ризқи эса доимо бутун бўлиб бораёпти.

Мустақиллик биз учун шундай улуг, шундай азиз неъмат. Унинг фаровонлиқа элтувчи йўли нураф-

шон ва равон. Йил сайин равнақ топиб, ривожланиб бораётган фермерлик ҳаракати ҳам аслида истиқлол иноятга ила юртимизда юзага келган янги соҳалардан бири. Унинг тамал тошини Юртбошимиз кўйди, янги соҳа вакилларини ҳаммиша кўллаб-қувватлади, уларга катта ғам-хўрлик кўрсатди. Айни пайтда ҳам қишлоқнинг янги мулкдорлари, яъни фермерлар ўзларига бўлган бекиёб эътибордан руҳланиб, юртни обод, элни фаровон этишмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги тизимида ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларга қанот бағишлаяпти. Избоскан туманидаги «Чувачи ҳосили» фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳақимжон ака Акбаров уларнинг бири. Ватан тараққиёти, юрт истиқболи йўлида тиниб-тинчимайдиган, қалбидан гайрат-шижоати тўлиб тошган, деҳқончилик илмини пухта эгаллаган бу фермер мана беш йилдирки, шу жамоани сикдикидилдан бошқариб келмоқда. Ҳар йили пахта, галла, пилладан юқори ҳосил олишига эришапти. Такрорий экинларни этиштириб, ички бозорни сархил маҳсулотлар билан тўлдиршига баракали улуш қўшапти.

Фермернинг бахти нимада? Истиқболчи-чи? У билан суҳбатлашар эканми, беихтиёр масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор бердик. Табиийки, қишлоқ муҳитида катта бўлган болакай ота-онасига қарайиб, дала юмушларини ўрганди. Қарасаки, деҳқончилик — барақа ёғилган соҳа. Ишлаганин сайин унинг янгидан-янги қирралари очилавераркан, ичига чуқурроқ кириб бораверар экансан. Буни йил сайин чуқур англаб етган Ҳақимжон ниҳоят улғайғач, мақсадни аниқ кўйди:

— Ота-онамга ўхшаган деҳқон бўламан, эл фаровонлигини таъминлашга хизмат қиламан, — деди қатъият билан.

тнерга яқин галла этиштиришди. Эндиликда 34,5 гектар майдонда парвариш қилинаётган гўзаларни баравж ривожлантириб, катта хирмонга мустаҳкам замин ҳозирлашяпти. Механизатор Ҳамиджон Турғунов, сувчи Турдиали Дадақўзиев, Отабек Нурбоев, чопикчи Тамара Раззоқова, Марғуба Дадақўзиева ва бошқалар бир оила вакилларидек аҳил ва ҳамжихат ишлаб, фермер ҳўжалигининг ютуқларини бойитишмоқда. Уста деҳқон, илгор фикрли фермерга таянч ва қувват бўлиб, элга катта наф келтиришяпти.

## ЕРНИ УЛУГЛАГАННИ ЭЛ УЛУГЛАЙДИ

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли илчил ислохотларнинг шарофати билан фермерлар юртда кадр, обрў-эътибор топишмоқда, — дейди Мойгир қишлоғидаги «Мойгир Адхам» фермер ҳўжалиги раҳбари Адхам Турғунов биз билан ўз кўвончларини баҳам кўриб. — Ўзим қишлоқ фарзандиман, оддий бухгалтерман. Деҳқончилик менга ота касб. Далани яхши кўраман. Ҳар йили хирмон кўтарилиб, ишлар сархисоб қилинганда меҳнатларимиз зое кетмаганидан қувонаман. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: авваллари йил-ўн икки ой даладан бери келмаган меҳнатчиларнинг касоси ҳеч оқарганми? Меҳнати кадр топганми? Бизни кўйинг, буни ҳатто кўпни кўрган, умри далада ўтган ёши улуг отахон онахонлар ҳам эслай олмайдди. Ҳозир-чи, фермерлар юрт тараққиётини ҳал қилувчи асосий кучга айланиб бормоқда. Деҳқон меҳнати ила катта обрў-эътибор қозонапти.

Деҳқончиликни касб қилиб, барақа топаётган бу илгор фермернинг айтганича бор. Ҳозирги дориломон



ётган ҳар бир йилни кўвончи натижалар билан яқунлашмоқда. Бу йил фермер ҳўжалиги давлатга 29 қути ипак куртидан 1625 килограмм юқори сифатли пилла топширди. 32,5 гектар майдонда этиштирилган сархисил «Таня» навидан ўртача 65 центнердан сара дон олди. Давлатга 123 тонна бугдой сотди. шартнома шартларида белгилангандан ортиб, ўз эҳтиёжлари учун қолган 70 тонна бугдойнинг 40 тоннаси ишчиларга тарқатиб берилди. Олинган мўмай даромад фермер ҳўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди. Энди миришкорлар гўза парваришига асосий эътиборни қаратмоқдалар. 56 гектар майдонда этиштирилаётган пахтадан 35 центнердан ошириб ҳосил олиш учун барча зарур чораларни кўришмоқда. Бундан ташқари ўтган йили яхши ниятлар билан уч сотих майдонда ташкил этилган лимонарийни кенгайтириш ишлари олиб берилмоқда.

Дано халқимиз ерни улуглаганни эл улуглайди, деб беҳиж айтмаган. Пешқадим фермер Адхам Турғунов бугун ака-укалари қатори ҳўжалик аъзолари билан биргаликда ўзи эъзоз топган юрт равнақи йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. «Дарё бўйи» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш боробариде 27-мактабга таълим муассасаси, 37-умумтаълим мактабига кўмак бериб келаётир. Одамларнинг дуосини олмоқда.

## ЯХШИ НИЯТ — ИНСОНГА КЎРК

Избосканда 2006 йилга келиб фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёйди. Қатор ҳамма ҳўжаликлари тўғилиб, уларнинг ўрнида ер учун астойдил қайгурадиган, ҳосил тақдирини учун тиним билмай курашадиган фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Қишлоқ ҳўжалигини янги бошиқча олиб чиқишининг бу самарали усули Мойгир қишлоғида истиқомат қилаётган Дилшод Сиддиқовни ҳам бепарво қолдирмади. Янгиликнинг ҳаётга чуқур сингиб, эртага катта самара беришига астойдил ишон-



Йигитдаги иштиёқ уни деҳқончилик сари бошлади. 1970 йили Чувачи қишлоғидаги ҳўжаликка ишга кирди. Кейинчалик шу ҳўжаликдаги бригадага раҳбар бўлди. Ҳар йили режаларни ортиги билан бажарди. Истиқлол йилларида эса пудратчилик қилиб катта шуҳрат таратди.

1996 йил тажрибали деҳқон, пахтачилик соҳасини чуқур эгаллаган фидойи инсон Ҳақимжон Акбаров қалбидан бир умр муҳрланиб қолди. Жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буорган муҳтарам Юртбошимиз Ислам Қаримов у меҳнат қилаётган далада ҳам бўлди. Пахтакорлар билан очик, юзма-юз мулоқот ўтказди. Дала миришкорларига қимматли маслаҳатлар, тавсиялар берди. Эсдалик учун ёнидаги рўқасини чиқариб, Ҳақимжонга совға қилди. Ушша пайтларда пудратчи бўлиб ишлаган уста деҳқон ҳозир ҳам бу рўқасини кўлдан қўймай олиб юрибди.

2004 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган Ҳақимжон Акбаров тиниб-тинчимади. Юксак ғамхўрликка жавобан бундан ҳам самарали меҳнат қилиши интилди. 2007 йили эса ўзида 45 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган мазкур фермер ҳўжалигини ташкил этиб, ном таратди. Ҳар йили белгиланган режаларни ортиги билан бажариб, пахта ва галладан, пилладан, бошқа такрорий экинлардан мўл-кўл ҳосил олишга эришди. Биргина шу йилнинг ўзида фермер ҳўжалиги галлакорлари 27,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 цен-

кунларнинг шуқуҳи бошқача. Қайси фермернинг уйига борманг, остонасида ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомашина ярақлаб турибди. Ҳатто баъзи фермерлар далада «Эпика», «Каптива» энгил автомашиналарини бошқариб юришибди. Адхамжон фермер ҳам шундай кунларга этиш учун яхши ният билан ҳалол меҳнат қилмоқда. Ҳўжалик аъзоларини хайрли ишларга йўналтиряпти. Ахир бугун фермернинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Қўлини қаерга узатса етади. Ҳамма жойда сўзи ўтади. Қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ неки ташкилот бўлса, унинг хизматига. Бирови минерал ўғитдан қарашган, бошқаси ёнилғидан, яна бирови эса сармоядан. Битта соҳага ғамхўрлик бўлса шунчалик бўлади-да. Юртбошимиз ҳар доим эътироф этаётганларидек, ҳозирги пайтда фермерлик ҳаракати нафақат юқори даромад олиш, нафақат ўзини ва оиласини боқиб, айни пайтда ўз олдига узоқ ва давомли мақсадлар қўйиб, қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг бугунги куну ва келажакни учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи сиёсий-ижтимоий кучга айланиб бормоқда. Бу ҳолдан қувонмай, тўлқинланмай бўладими ахир?

Қишлоқ одамлари бегубор бўлишади. Ота-боболари Турғунбой бува ва Фарходжон оталарнинг изидан борган ака-ука Нўмонжон, Неъматжон, Адхам Турғуновлар бир-бирларига таянч ва қувват бўлиб, яхши ниятлар билан 2006 йилда очилган фермер ҳўжалиги ишларини юксалтиришга эришяпти. Кунт билан меҳнат қилиб, аввал пилла, кейин галла ва пахтадан юқори ҳосил олиб, ўта-

диқов фермернинг қанотига кирди. Келиноийси Ёқутхон опа ҳам четда кўл қовуштириб ўтирмади. Дала ишларида қайнисига кўмаклашиш учун фермерга кўмакка келди. Салкам 30 йил механизаторлик қилиб, соҳанинг билимдонига айланган Қозимжон Ҳожиёв эса тез орада янги жамоанинг ишончли таянчига айланди. Бошқалар ҳам улардан қолишмай фермер ҳўжалигининг истиқболи учун астойдил меҳнат қилди. Натижада йилдан-йилга улар эришаётган ютуқлар мустаҳкамланиб, кўпайиб борди. Режалар ортиги билан урддаланди. Ҳозир бу жамоа тумандаги энг олд фермерларнинг бирига айланган, десак асло муболага бўлмайди.

Ҳўжалик далаларида айни пайтда гўзалар баравж ривожланмоқда. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи август ойининг ҳар бир куну беҳуда ўтмапти. Астойдил парвариш қилинаётган гўзаларда кўсақлар сони тобора кўпайиб бораёпти. Ахир эртага улар чаман-чаман бўлиб очилган пахтага айланади. Чаноклардан оппоқ толалар тўлиб-тошади. Йил бўйи қилинган меҳнатнинг самараси яратилган юксак хирмонларда намоеён бўлади.

— Жами 57 гектар майдонда деҳқончилик қиялғимиз, — дейди Дилшод Сиддиқов биз билан суҳбатда. — 26 гектар майдондан 165 тонна сара дон олдик. Давлатга режадагидан 14 тонна кўп, яъни жами 106 тонна галла топширдик. Ҳосилдорлик ҳар йилдагидан анча юқори бўлди. Энди 31 гектар майдонда пахта этиштиряпмиз. Пахтанинг маҳаллий шароитимизга мос «Анджон-35» навидан 34 центнердан ошириб ҳосил олишни мўлжалляпмиз.

Ўзининг етарли техника базасига эга бўлган фермер ишда асло қийинчиликларни ҳис этаётгани йўқ. Гўза парваришига бўлган алоҳида эътибор ҳар йилгидек юқори ҳосилнинг таъминланишига қор бўлади.

Тажрибали фермер айни пайтда чорвачилик билан ҳам шуғулланишни мўлжалляяпти. Уни сердаромад соҳага айлантиришдек хайрли мақсадларни кўзламоқда. Меҳнат берган мартаба қишлоқнинг янги мулк-



ган бу асл деҳқоннинг етти ўлаб бир кесили оқибатида тез орада «Мойгир Дилшод» фермер ҳўжалигига асос солинди.

Энди ёш фермернинг олдида ишни қандай пухта ташкил этиш масаласи кўндаланг турарди. Ахир ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Янги жамоани оёққа тургазиш, ишончини оқлаш учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Айниқас, бир мақсад-муддаоини кўзлаган ишчиларни жамоага олиш, уларнинг иш усуллари ва тажрибаларига таяниш жуда муҳим. Яхшиямки, Дилшодга кўпчилик яқиндан таниш. Уларнинг орасида бир пайтлар далада ўзи билан ёнма-ён ишлаган мутахассислар, деҳқончиликнинг сир-асрорини яхши биладиган ишчилар ҳам йўқ эмас. Улар билан маслаҳатлашиб, фермер ҳўжалигида ишлаш учун 41 нафар ҳамқишлоқини ишга олди. Ақаси Улуғбек Сид-

дори, журъатли ва жасоратли фермер Дилшод Сиддиқовни улугламоқда. Обрў-эътиборини янада баланд айлаёпти. Фермер келажакда бундан ҳам катта мақсадларни амалга оширишни кўзляяпти. Зеро, яхши ният инсонга кўрк, уни доимо камолотга етказилади.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистоннинг сарҳадсиз имкониятлари юзага чиқмоқда. Избосканнинг фидойи фермерлари бугунги кунда ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқдалар. Аслида ҳам уларга бундай имкониятни Мустақиллик берди. Истиқлол ҳар бир фермерни давр билан ҳамнафас ишлашга, янгилашга ўргатди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Adolat» мухбири



# Беҳаловат дунё изтироблари

**Шарҳ**

Сейсмик жиҳатдан фаол ҳудудларда яшовчи аҳоли кучли ва ҳалокатли ерости силкинишларидан доимо азият чекади. Зилзила туфайли пайдо бўладиган тебранишлар нафақат иморат ва иншоотларни вайронга айлантиради, қурбонлар сонини кўпайтиради, балки яшаш учун энг керакли бўлган коммуникация, электр, олоқа, газ ва сув қувурлари тизимларига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

Ер юзиде катта-кичик ёриқлар пайдо бўлиб, тоғолди туманларида геологик жинсларнинг ҳаракати туфайли силкинишлар, кучкилар, ўпиримлар ҳосил бўлади ҳамда дарёлар ўзанини ўзгартиради, сув

Токио шаҳрининг катта қисми ёнғин қуршоғида қолган. 1971 йилда Сан-Францискода рўй берган зилзила пайтида Ван-Норман сув омбори тўғони бузилган, натижада шаҳарнинг катта қисмини сув босган. Таъ-

айланиб бормоқда. Бундай ҳодисалар инсоннинг фаолияти ва табиатга таъсири билан уйғунлашиб мисли кўрилмаган техноген ҳалокатлар келтириб чиқарадики, бунинг оқибатлари Япония атом электр станцияларидаги мудҳиш манзарада намоён бўлди. Японияда рўй берган ҳодиса бутун дунёда улкан таъсири уйғотиб, кўплаб мамлакатлар ҳукуматларини бундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича чора қабул қилишга ундади. Хаттоки зилзила рўй бериш эҳтимоли деярли мавжуд бўлмаган Германияда ҳам атом электр станциялари фаолиятини тўхтатиб қўйиш каби чораларга ҳам қўл урилди. Кунин-кеча Эрон Ислом Республикасининг шимоли-ғарби-

ёрдамлари таклиф қилинган мактублар жўнатишди. Маълумки, ўтган шанба кунини Эроннинг шимоли-ғарбида жойлашган Табриз вилоятида 11 дақиқа ичида Рихтер ўлчоғи бўйича 6,4 ва 6,3 магнитудали иккита кучли ер силкиниши ва ўнлаб майда тебранишлар рўй берган, натижада Табриз шаҳрида кўплаб биноларга шикаст етиб, электр ва сув таъминотида муаммолар пайдо бўлган. 2003 йилда Эронда содир бўлган кучли зилзила оқибатида Бам шаҳри ва унинг атрофида жойлашган аҳоли пунктларида қарийб 25 минг одам нобуд бўлган. Эр ости силкинишлари қурбонлари сони бўйича қайғули рекорд 1556 йили Хитойда



12 январь кунини кейинги 200 йил ичида рўй берган энг кучли зилзила оқибатида пойтахт Порт-о-Преннинг учдан бир қисми буткул ер билан яксон бўлган. Бундай миқёсдаги фалокат ҳатто ривожланган мамлакатни ҳам мураккаб аҳолига солиб қўйиши аниқ эди. Ғарбий яримшарнинг қашшоқ мамлакатларида 100 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Шу ўринда яқин 3,5 асрдан охиқроқ вақт давомида содир бўлган энг кучли ерости силкинишларига эътиборни қаратиш ўрнили бўларди. Олимларнинг айтишича, турли даражадаги ер қимирлашлари ер қобиғидаги силкинишлар ва тектоник плиталарнинг жойдан қўзғалиши сабабли рўй беради. LiveScience Интернет-нашриёти, ер ости табиий қучлари ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисалари тўғрисида баъзи маълумотларни эълон қилган. Ер сайёраси охиқри 15 йил ичида сейсмик нуқтаи назардан анча фаоллашди, дейди Миссури университети геофизиги Стивен Гао. Бироқ ҳамма сейсмологлар ҳам унинг фикрига қўшилмайди. Сан-Франциско Лос-Анжелес томонга йилга тахминан 5 см тезлик билан сурилади — бу тезлик инсон тирноғи ўсади. Бу Сан-Андреас тектоник плиталарининг бир-бирига нисбатан силжиши натижасида ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бир неча миллион йилдан сўнг, бу икки мегаполис «кўришилади». Яна бир яхши янгилик — Калифорния океанга қуламайди, чунки плиталар қарама-қарши шимол-юғи йўналишларда силжийди. Вайрон қилувчи, кучи 9.3 баллга тенг бўлган зилзила, Индонезия ороли Суматра яқинида 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтди. У емирувчи цунамини келтириб чиқарди ва минглаб инсонлар умрига зомин бўлди. Утган йили 27 февралда Чилида магнитудаси 8.8 бўлган зилзила натижасида Консепсион шаҳри 3 метр ғарб томон силжиди. Ер ости қучларининг зарбалари туфайли, олимлар фикрича, сайёрамиз айланши даври бир оз ўзгарди — кун қискарди. «Зилзилалар учун об-ҳаво»

**Охиқри 350 йил мобайнидаги энг йирик табиий офатлар:**  
 1887 йил — Хитойдаги сув тошқинлари — 1 млн. киши;  
 1737 йил — Ҳиндистондаги зилзила — 300 минг киши;  
 1970 йил — Бангладешдаги тўфон — 300 минг киши;  
 1976 йил — Хитойдаги зилзила — 255 минг киши;  
 1920 йил — Хитойдаги зилзила — 200 минг киши;  
 1923 йил — Япониядаги ер ости силкинишлари — 143 минг киши;  
 1991 йил — Бангладешдаги тўфон — 138 минг киши ҳаётига зомин бўлди.



омборлари бузилиб, ҳамма ерни сув босади. Бу каби ҳалокатлар натижасида ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашади, атраф-муҳит ва экология ҳолати бузилади. Рўй берган ҳар қандай кучли зилзилалардан кейин аҳоли ўртасида руҳий-асаб касалликлари кўпаяди ва уларнинг оқибатида турли хасталиқлар пайдо бўлади. Зилзилалар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятлар, хавфли ҳолатлар, нохушлиқлар ўша мамлакат аҳлига жўда катта зарар етказиши мумкин.

кидлаш жоизки, ҳар йили Ер юзиде ўртача 1500 атрофида зилзила содир бўлади. Биргина Италияда милондинг ўн икки асрдан буён то ҳозиргача содир бўлган қирқ минг атрофидаги ерости силкинишлари натижасида жами 440.000 киши, ўтган асрнинг ўзиде 120.000 нафар италиялик зилзила қурбони бўлди.

Утган йили Японияда рўй берган кучли зилзила ва содир бўлган тўфон (цунами) табиий офатларнинг бошқариб бўлмас хусусиятини ҳамда инсон ҳаёти учун қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини бутун дунёга яна бир қарра намоён этди. Бугунги кундаги иқлимнинг глобал ўзгариши натижасида кенг қўламли табиий офатларнинг тез-тез қайд этилиши одатий ҳолга



да содир бўлган кучли ер силкиниши оқибатида, сўнги расмий маълумотларга кўра, 227 киши ўлган, 1380 одам жароҳат олган. Ундан олдин Ички ишлар вазирлиги табиий офат оқибатида 250 киши ўлган, икки мингдан ортиқ одам жароҳат олганини билдирган эди.

Эрон Ички ишлар вазири Мустафо Мухаммад Нажжар табиий офат минтақасида 600 дан ортиқ қишлоқнинг ярмига зарар етказгани ва 16 минг кишига фавқулодда бошпана зарурлигини маълум қилди. Эрон телевидениеси кутқарувчи гуруҳларидан бирининг вакили билан суҳбат ўтказди. Зилзила рўй берганидан сўнг бир қатор мамлакатлар раҳбарлари эронлик ҳамкасбларига таъзия изҳор қилган ҳолда ўз

қайд этилганини ҳам эслаб ўтиш даркор. Ушанда 800 мингдан ортиқ одамни ер ютиб юборганди. 1887 йили Янцзи дарёси тошиши натижасида эса 900 мингга яқин хитойлик ҳаётдан бевақт кўз юмганди. 1815 йили Индонезиянинг Сумбава оролидаги вулкон узоқ йиллар ҳудуднинг қул қатламлари билан қопланиб туришига олиб келган. Тирик қолганлар эса ҳосил етиштириш имкониятидан маҳрум бўлиб, оролни тарқ этгандилар.

2010 йили Америка қитъасининг энг қашшоқ мамлакатларидан бири — Гаитида содир бўлган мудҳиш ерости силкиниши инсониятнинг табиат олдида доимо ожиз экани ҳақидаги тасаввурлар нақада тўғри эканини яна бир қарра исботлаганди. Уша йили

мадаги қавариқлигини текислаган ҳолда, Ер кўринишини бир оз ўзгартирди. Шундай қилиб, сайёрамиз яна ҳам думалоқроқ бўлиб қолди.

Геологик нуқтаи назардан, Ердаги энг фаол жойлар сифатида «Тинч океан оташли ҳалқаси» ҳисобланади. У Тинч Океани периметри бўйича, шу жумладан, Шимолӣ ва Жанубӣ Америка, Япония, Хитой ва Россия ҳудудларини ўз ичига олади. Айнан шу ҳудудларда дунёда энг кўп зилзилалар содир бўлади.

Барча рўйхатга олинган ер силкинишлардан энг кучлиси Чилида 1960 йилнинг 22 май куниде юз берган бўлиб, унинг магнитудаси 9.5 баллга етган экан. Маълумотларга кўра, сайёрамизнинг бир томонида юз берган зилзилалар, унинг иккинчи қисмини кўзғатиб, силкиниши мумкин. Шундай қилиб, сайёрамиз яна ҳам думалоқроқ бўлиб қолди.

Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ



Ў О В Ё Ì Ì Ò È È Æ Ð Ò Ä Ì Ø È Ì Ì Ò Ì

## «Асака» банки (ОАЖ) жамоаси

Сизларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қутлайди ва қуйидаги янги, миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади.

### «Мустақиллик 2012»

Сақланиш муддати — 12 ой.  
 Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан (12 ойдан сўнг) берилади.

«Асака» банк (ОАЖ) сармомияни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фоизларининг банкларида омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

## Энергетика тизими ривожини —

иқтисодиёт юксалиши омили

### Матбуот анжумани

Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбалари энергетика тизимида жадал ривожланаётган йўналиш. Бундай манбалардан кенг фойдаланиш ҳар бир мамлакатнинг энергетика хавфсизлиги борасидаги устувор вазифалари сирасига кирди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Электр энергияси соҳасини техника ва технология модернизация қилиш, хорижий сармоя асосида барпо этилаётган янги қувватлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.


«Ўзбекэнерго» ДАК электр энергияси асосан иссиқлик электрстанцияларида (90%) ва гидроэлектрстанцияларида ишлаб чиқарилади ва истеъмолчиларга етказиб берилади. Ўзбекистон Республикасида электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 12,4 млн. кВтни ташкил этиб, мамлакат электр узатиш тармоқлари 238,8 минг км.дан ортиқдир. 2012 йилнинг I ярим йиллигида компания корхоналари томонидан мажбурий ишлаб чиқариш ҳажми 100,2 фоизни ташкил этди. Республика истеъмолчиларига 21,3 млрд. кВт/соат электр энергияси етказиб берилиши таъминланди. Иссиқлик энергияси 4,3 млн. Гкал ҳажмида узатилиб, Жорий йилнинг шу даврига қадар мажбурий экспорт 147,5 фоизга бажарилди, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Рузқул Раимов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2013 йилларда sanoat kooperatsiyasini rivojlantirish asosida tayёр mahsulot, butlovchi buyumlar va materiallar ishlab chiqarishni mahalliyлаштириш янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ўзбекэнерго» ДАКда маҳаллийлаштиришга доир 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига биноан компания томонидан 35 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Энг йирик инвестицион лойиҳалардан бири «Навой ИЭС»да олиб борилмоқда. У ерда иссиқлик электрстанцияларининг энг замонавий технологияларидан бири — 478 мВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини ўрнатиш, яъни мажбурий «Газ сиқувчи компрессор станциясини қуриш» лойиҳаси бўйича монтаж ишлари якунланди. МДХ давлатлари ичида ягона бўлган лойиҳа қиймати 468 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу қурилма келгусида ёқилғи миқдорини тежаш баробарида 3,40 млрд. кВт/с электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

навий шахар ҳам бундай кучли бўрон оқибатида буткул йўқ бўлиб кетади. Одамларнинг мақнаби, бир-бирларига кўз-кўз қилган виллалари-ю, кемалари бир зум ичида бир тўп ахлатга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шаррос қуйган ёмғир жала-сидан сув тошқини, сел пайдо бўлиб, йўллариде учраган жамми нарсани оқизиб кетади. Табиий офатлар сабаб бўлиб, тарихда қанчадан қанча одам ҳаёт билан видолашди, дод-вой солиб кўз юмди. Келажақда ҳам, бу офатлардан инсон қутулиб қола олмайди. Яна неча-неча инсонлар тақдирини да дувал ва бошқа табиий офатлар туфайли ўлим билан учрашиш борлиғи фақат Яратганга аён.

Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ

## Сўнгги саҳифа



## Ҳаммамизнинг фахримиз

◀ Давом. Бош 1-бетда

Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини биз спортчилар алоҳида ҳаяжон билан томоша қилдик. Айниқса, ҳамюртимиз Артур Таймазов учинчи мартаба Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритганида шодликдан ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик. Ахир Артур ёзги Олимпия ўйинларининг эркин кураш беллашувларида уч мартаба олтин медални қўлга киритган дунёдаги учинчи полвон сифатида жаҳон спорти тарихидан муно-

сиб жой оладиган бўлди. Агар Таймазовнинг 2000 йили Сиднейда қўлга киритган кумуш медалини ҳам ҳисобга олсак, бу борада бизнинг полвонимиз дунёдаги ягона эркин курашчи эканлиги аён бўлади.

Ватан шарафи учун майдонга чиққан дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тагиевларнинг бронза медаллари билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Спортчиларимиз XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этган Осиё китъаси мамлакатлари орасида еттинчи ўринни эгаллади. Қарангки, Хиндистондай улкан мамлакатдан иштирок этган 83 спортчи

дан биронтаси ҳам олтин медални қўлга кирита олмади. Бу ҳам спортда салоҳият, муваффақият, аҳли сонига эмас, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка, яратилган шарт-шароитга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бу соҳада эса Ўзбекистонимиз ҳар қанча ҳавас қилса арзийдиган давлатдир.

Куни-кеча матбуотда Лондон Олимпиадасида юксак на-

тижаларга эришган спортчиларимизни мукофотлаш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилинди. Бу хушхабар бутун спортчиларни, халқимизни янада мамнун этгани, шубҳасиз. Зеро, мазкур Фармон ҳам спортга бўлган катта эътиборнинг намунасидир.

Сўнгги йилларда «Адолат» СДП билан ҳамкорликда ёш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, уларнинг маҳоратини янада ошириш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. Ишончим комилки, тез орада биз нафақат республикамиз миқёсида, балки халқаро майдонларда

ҳам юқори натижаларга эришамиз, шохсупаларга кўтарилиб, Ватанимиз байроғи ҳилпирашини ғурур билан кузатишимиз. Мен яна бир нарсага ишонаман: 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтайдиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчилари бугун бизнинг сафимизда!

**Аъзамжон ШОКИРЖОНОВ**,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
«Адолат» спорт мурабийи,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
аъзоси

Ўқинг, бу қизиқ

## Янги ҳимоя воситаси

«Ньюкасл» университети олимлари сув ўтлари тиш емирилишининг олдини олишни аниқладилар.

Мазкур ўсимликларда яшовчи *Bacillus licheniformis* бактериялари тишлар оралигида йиғилиб қоладиган ва уларнинг чиришига сабаб бўладиган тошларни парчалаб, зарарли микроорганизмларни йўқотади. Сўнгги тишларда ташқи омиллардан ҳимояловчи биоплазма пайдо бўлади.

Яқин кунларда «Newcastle Healthcare Charity» жамғарма-



си лойиҳасига кўра, сув ўтлари таркибидаги бу фойдали бактерия ферменти қўшилган тиш тозалаш пасталари сотувга чиқарилади.

## Картошкани истеъмол қилмасангиз...

АҚШнинг Манчестер университети олимлари ошқозон яраси ва жигддон қайнашини картошка ёрдамида бутунлай даволаш ва олдини олиш мумкин, деган фикрга келдилар.



Маълумотларга қараганда, ушбу сабзавот таркибида ноёб антибактериал молекула бўлиб, ошқозондаги бактерияларни бартараф этиш хусусиятига эга. Уни хомлигича шарбат шаклида ичиш тавсия этилмайди.

Мутахассислар антибиотик воситалардан фарқли ўлароқ, картошка шарбати зарарли оқибатлардан холи эканини таъкидламоқда. «The Daily Mail» нашрининг ёзишича, картошка, шунингдек, қон босимини тушириш имконини ҳам беради.

## Чекишга қарши вакцина

«Weill Cornell Medical College» мутахассислари чекишга қарши вакцина яратдилар.

Энди кашандалар ўзларининг бу ёмон одатидан бир марта эмлаш орқали қутуладилар. Ушбу янги вакцина инсон организмга тушган, антиген ишлаб чиқара бошлайди. Бу эса мияга никотин сўрилишини 85 фоизга камайтиради. Олимларнинг фикрича, бу дори препарати чекишни ташлашни истаган миллионлаб кишиларга ёрдам беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи тарқатган маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб тамаки маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили камида саккиз миллион одам ҳаётдан кўз юмиши мумкин.



матларга қараганда, 2030 йилга бориб тамаки маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили камида саккиз миллион одам ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Реклама ўрнида

**«Fitch Ratings»**  
Халқаро рейтинг агентлиги

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»**  
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКНИНГ

  
МИКРОКРЕДИТБАНК

кредит рейтингини  
**«БАРҚАРОР»**  
деб баҳолади.

**«Микрокредитбанк» сармоялари —  
тадбиркорлик, бунёдкорлик ва  
тараққиёт хизматида!**

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

**Бизнес доиранингизни кенгайтириш  
имкониятлари бор!**





Агробанк мижозига  
айланинг ва халқаро иқтисодий  
муносабатларингизни кенгайтиринг

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Хизматлар лицензияланган

**ADOLAT** 

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
газета

Муассиси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,  
Светлана ОРТИКОВА, Ихбол МИРЗО, Мамазоир  
ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,  
Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан  
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҮМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:  
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва  
парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;  
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва  
шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;  
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс);  
Котиббит — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ.  
Навбатчи — Ойбек ТАЖИБАЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳати  
билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан  
чиқра бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР  
КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100000,  
Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

«Шарқ» НМАК босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри  
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ— 800. Ҳажми — 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6462.  
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.15

[adolat\\_gazeta@mail.ru](mailto:adolat_gazeta@mail.ru)

1 2 4 5